

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № _____

Бухоро шаҳри

«05» «январ» 2022 йил

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламаси (кейинги ўринларда "Оператор" деб юритилади) номидан ўзининг Устав асосида иш юритувчи директор Ж.Ф.Турдиев тимсолида, бир томондан ва Бухоро вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Р.Р.Асадов, (кейинги ўринларда "Абонент" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи бош бошқарма бошлиги тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Оператор" "Абонент" га телефон алоқасининг универсал ва қушимча хизматлари (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Абонент" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йил "05" "январ"дан 2022 йил "31" "март"гача амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Абонент"нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Оператор"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Оператор"дан "Хизматлар" "Абонент"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Оператор"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
 - "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Абонент" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Оператор"дан талаб қилиш.

2.2. "Абонент"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Оператор" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Оператор» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Абонент"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Абонент"дан талаб қилиш.

2.4. «Оператор» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Абонент» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Абонент"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Абонент" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Оператор" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Абонент"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 450 000 (Тўрт юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

2022 й. « _____ » январдаги Бухоро вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошкармаси ва "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламаси ўртасида 450 000 сўм умумий суммага тузилган _____ - сонли шартномага ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Шахсий газна ҳисобварақ 100021860064017041180088001

(сўмда)

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|------------------------|--|-----|-----|---------------|
| | 42 92 000 | ... | ... | |
| Январь | 150000 | | | |
| Февраль | 150000 | | | |
| Март | 150000 | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами йил бўйича | 450000 | | | 450000 |

**Жами : 450 000 (Тўрт юз эллик минг) сўм
сумма сўз билан**



Буюртмачи раҳбари

М.У.
Буюртмачи
бosh бухгалтери

(имзо)

(имзо)

Р.Асадов
Ф.И.О.

Б. Дўсанов
Ф.И.О.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди _____
(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди _____
(имзо)

20 ____ й. « ____ » _____

20 ____ й. « ____ » _____

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси" нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек Абонентларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

«Абонент»

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Бухоро
шаҳар телекоммуникация боғламаси
(Хизмат кўрсатувчининг номи)

Бухоро вилоят Инвестициялар ва ташқи
савдо бошқармаси
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар И.Муминов кучаси 8 уй

Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик 10 уй

Тел./факс 223-34-71, 223-70-95

Тел./факс 221-56-00

х/в 20210000804074838412

ш/х* 100021860064017041130088004

Банк номи Тошкент шаҳар АТ «Алока банк»

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305377714

Бош офис

МФО 00401

ОКОНХ 84112

ОКОНХ 52300

Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти
бўйича Ғазначилик бошқармаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010

СТИР 203366731

Банкнинг номи: Бухоро вилоят Марказий
банкнинг ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Директор

Ж.Ғ.Турдиев

Бошқарма бошлиғи

Р.Р.Асадов



(Handwritten signature)
(имзо)



М.Ў.

(имзо)

Ҳуқуқшунос: *(Handwritten signature)*
Диплом

- 3.2. "Абонент" кўрсатиладиган "Хизматлар" суммасининг 100 фоизи ҳар ой олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун ҳисоб-варақ фактураси имзолангандан кейин "Хизматлар" амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Абонент" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Абонент" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Абонент"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Абонент"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Абонент"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Оператор" Абонентларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Оператор"нинг ходими "Абонент"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Абонент" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Оператор"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Оператор" "Абонент"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Оператор" "Абонент"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.2. Ҳизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Оператор" "Абонент"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Абонент" "Оператор"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» мартгача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ